

<b>«ҚЎҚОНСПИРТ» АЖНИНГ 2017 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАХОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА:</b>	
<p>“Ишонч ЛТЖ” МЧЖ томонидан 2018 йил 25 апрелдаги №6 сонли хати билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот, хулоса ва корпоратив бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тақдим қилинди.</p> <p>Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “юқори” бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида 616 балл, яъни 51%.</p> <p style="text-align: center;">Баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:</p>	
Кодекс тавсияларига риоя қилинмаган йўналишлари	Тушунтиришлар
<p><b>Ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг жамият сайтида инглиз тилидаги таржимаси билан эълон қилиниши таъминланмаган.</b></p>	<p>Ички корпоратив ҳужжатларни инглиз ва рус тилига таржима қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг жамият сайтида давлат тилида эълон қилиниши таъминланган.</p>
<p><b>Ижроия орган раҳбарлигига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон матнининг йўқлиги</b></p>	<p>2017 йилда Ижроия орган раҳбарлигига танлов ўтказилмаган.</p>
<p><b>Акциядорларга электрон рақамли имзо орқали овоз бериш имкони ва видеоконференцалоқа режимида умумий йиғилиш ўтказиш имконияти яратилганми?</b></p>	<p>Акциядорларга электрон рақамли имзо орқали овоз бериш имкониятини яратиш масаласи янгилик бўлганлиги боис, мазкур масала амалиётда кенг қўлланила бошлангандан сўнг жорий этиш режалаштирилмоқда.</p>
<p><b>Жамият уставида қўшимча акция чиқарилганда акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланмаган.</b></p>	<p>2018 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамият устави янги таҳрирда тасдиқланган ва ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан таҳрирланган.</p>
<p><b>Хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллаш</b></p>	<p>Юқорида қайд этилган услубларни қўллаш тўғрисида масала жамиятда ходимларнинг малакасини ошириш орқали қўллаш тақлиф этилмоқда.</p>
<p><b>Жамият уставида акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмаслиги белгиланмаган.</b></p>	<p>2018 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамият устави янги таҳрирда тасдиқланган ва ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан таҳрирланган.</p>